БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 215 (1477)
31 ОКТЯБРЬ
ШАНБА
1959 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин

400.000 ТОННАГА КИМ ҚАНЧА ҲИССА ҚЎШДИ? *30 октябргача*

Сирдарё	55110 тонна	Ўрта Чирчиқ	37020 тонна	Чиноз	21711 тонна
Гулистон	47782 тонна	Бекобод	35527 тонна	Пискент	20633 тонна
Боёвут	42064 тонна	Оққўрғон	33123 тонна	Оржоникидзе	17160 тонна
Янгийўл	37561 тонна	Бўка	26585 тонна	Қуйи Чирчиқ	11013 тонна
				Юқори Чирчиқ	9604 тонна

Бу пахтанинг 60000 тоннаси машинада терилди

БУТУН КУЧ—ПАХТА ТЕРИМИГА!

Республикамиз меҳнаткашлари сингари областимиз меҳнаткашлари ҳам шу кеча-кундузда ҳаяжонлантирувчи ажойиб дамларни кечирмоқдалар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 42 йиллигига саноқли кунлар қолди. Республикамиз пахтакорлари улуғ байрам шарафига бошланган социалистик мусобақани қизитиб, давлатга 2.600 минг тоннадан ортиқ пахта топширдилар. Областимиз ҳам маррага яқинлашиб қолди. Шу кунгача ўзбек халқининг улкан хирмонига 400.000 тонна «оқ олтин» тўкилди. Пахта далаларида йиғим-терим кун сайин авж олдирилмоқда.

Она-Ватанимизга бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл-кўл пахта етказиб бериш иштиёқи билан тўлиб-тошган абжир теримчилар, моҳир механизаторлар ва шаҳарлик биродарлар КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини муносиб кутиб олиш учун пахта далаларида бир гайратга икки-уч гайрат қўшиб ишламоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг юксак минбаридан туриб, давлат планини ва олинган социалистик мажбуриятни бажарганлигимиз ҳақида рапорт бериш областимиз меҳнаткашлари учун ҳам катта шарафдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда бутун куч ва ҳамма воситалар йиғим-терим суръатини тезлаштириш ва пахта тайёрлаш планини тезроқ бажаришга сафарбар этилиши керак.

Пахта тайёрлаш соҳасида қўлга киритаётган муваффақиятларимиз катта ва у ҳаммамизни қувонтирмоқда. Лекин биз эришилган ана шу муваффақиятларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик ва бепарволик кайфиятларига сира ҳам берилиб кетмаслигимиз зарур. Шуни асло унутмаслик керакки, областимиз Октябрнинг 42 йиллиги кунига қадар давлатга яна 50 минг тонна пахта етказиб бериши керак. Бу ғавғолакам иш эмас, албатта. Бироқ, ҳаво кун ўтган сайин пастлашиб, пахта териш ва тайёрлаш иши тобора оғирлашиб бормоқда. Бу, айрим район, колхоз ва совхозларда шу кунларда йўл қўйилаётган масъулиятсизлик ва бепарволик кайфиятларига дарҳол барҳам беришни, пахта теримини бутун чоралар билан тезлаштиришни, кунлик ва беш кунлик графикларнинг ҳар бир теримчи ва механик-ҳайдовчи томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашни, меҳнатни тўғри ташкил этиш ва ҳозирги ҳар бир ғанимат дамлардан унумли фойдаланишни талаб этади.

Афсуски, областимиздаги айрим колхоз правленилари ва партия ташкилотлари дастлабки ютуқлардан эсанкираб, ташкилотчилик ишини ва пахта терими устидан назорат қилишни бўшаштириб юбормоқдалар, пахтакорларга қулай маданий-маиший шароит яратиб бермаётирлар. Бунга мисол қилиб Оққўрғон районидаги Сталин номли, Ворошилов номли, Навоий номли, Охунбобоев номли колхозларни кўрсатиш мумкин. Сталин номли колхоз пахта далаларида 745 ўринга 500 киши ишламоқда, мавжуд 6 та пахта териш машинасидан ғоят даражада унумсиз фойдаланилмоқда. Бу машиналарда то шу кунга қадар 420 тонна ўрнига атиги 43 тонна пахта терилган. Бундай кўнгилсиз аҳволга узил-кесил барҳам бериб, пахта териш суръатини ошириш колхоз раҳбарлари ва ҳар бир механик-ҳайдовчининг диққат марказида туриши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, областимизнинг колхоз ва совхоз далаларида териб олинмаган пахта ҳосили ҳали жуда кўп, ишчи кучларимиз етарли, техника ресурсларимиз ҳам сероб. Энди ҳамма гап ўзимизда. Жамики имкониятлар, мавжуд резервлардан ишнинг кўзини билган ҳолда фойдалансак марра бизники. Ана шунда планни ҳам, мажбуриятни ҳам сўзсиз бажарамиз, юзимиз ёруғ бўлади, областимизнинг илғариги шуҳрати тикланади. Шундай экан, район партия ва совет ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари олдида турган шу кунниг энг муҳим вазифаси — ишга яроқли аҳолининг ҳаммасини пахта теригмита тўла сафарбар этишдан, уларнинг кунлик терим нормасини бажаришларга эришишдан, пахта териш сифатини назорат қилиб, нобудгарчиликка сира йўл қўймасликдан, машинада пахта териш планининг ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминлашдан иборатдир.

Пахта далаларида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган колхозчилар, совхоз ишчилари, шаҳарлик азаматлар учун зарур маданий-маиший шароит яратиб бериш — терим суръатини тезлаштириш ва меҳнат унумдорлигини кескин оширишнинг энг муҳим шартидир. Шунга кўра пахта тераётган ҳар бир кишини ўз вақтида иссиқ овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш, терилган пахта учун ҳар куни ҳақ тўлаб туришни ташкил этиш, пахтакорлар ўртасида савдо хизматини яхшилаш колхоз, совхоз раҳбарларининг бевосита бурчидир.

Пахта далаларида қилаётган ажойиб ишимизнинг ғалабасига саноқли кунлар қолди. Бир жон, бир тан бўлиб яна бир зўр берсак, пахта тайёрлаш плани ҳам баажрилади. Шундай экан, ҳозирги масъулиятли кунларда ҳар бир колхозчи, ҳар бир совхоз ишчиси, қишлоқ хўжалигининг ҳар бир мутахассиси, пахта тераётган ҳар бир шаҳарлик меҳнаткаш ва студент терим суръатини кучайтириши, тайёратига гайрат қўшиб ишлаши зарур. Пахта теришга қурби етган ҳар бир кишининг жойи шу кунларда бевосита пахта даласида бўлсин. Бутун куч — пахта теримига!

Улуғ Октябрнинг 42 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик

30 октябрда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Мажлислар залида пропагандистлар, агитаторлар ва Тошкентдаги агитпункт мудирларининг йиғилиши бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Г. Н. Нажимов Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллиги тўғрисида инструктив доклад қилди.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

Москвада бешинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Депутатлар 29 октябрь эрта билан палаталарнинг алоҳида-алоҳида ўтказилган мажлисларида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1960 йилги планини ва Давлат бюджетини муҳокама қилдилар.

Депутатлар ўз нутқларида совет халқининг етти йилликнинг биринчи йили планларини амалга оширишда эришган муваффақиятлари тўғрисида сўзлайдилар. Улар Никита Сергеевич Хрушчевнинг Америка Қўшма Штатларига қилган визити халқаро кескинликни юмшатиш ишига жуда катта ҳисса қўшганлигини зўр мамнуният билан таъкидлайдилар. Депутатлар СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1960 йилги плани ва СССР бюджети лойиҳалари мамлакатимиз социалистик экономикасини янада ривожлантириш ва меҳнаткашларнинг фаровонлиғини ошириш вазифаларига тамомила муносиб деб топиб ва бу лойиҳаларни якдиллик билан маъқуллаб, ички резервлардан тўлароқ фойдаланиш ҳақида таклифлар киритадилар.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Соат 10 да Катта Кремль саройида палата раисининг ўринбосари депутат **Р. Курбонов** раислигида **Иттифоқ Советининг** мажлиси очилди.

Депутат **А. А. Кокарева** (Красноярск ўлкаси) сўз берилади.

Янги етти йилликда, деди у, Красноярск ўлкасида саноат ишлаб чиқариши бутун мамлакатлагига нисбатан тезроқ суръатлар билан ўсади. Бу ўлкада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш қарийб уч баравар кўпаяди. Назарово ва Ирша-Бородино тепловой электростанциялари ва Красноярск гидроэлектростанцияси қурилиши муносабати билан Красноярск ўлкаси яқин йиллар ичида мамлакат шарқий районларининг энергетика базасига айланади. Кимё, машинасозлик, алюминий, ўрмон, ёғочсозлик саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати кенг миқёсда ривожланади. Бу ўлка мамлакатнинг учинчи металлургия базасини хомашё билан таъминлашда тобора муҳим роль ўйнайди.

Капитал қурилиш ҳажми кенгайганлиги муносабати билан, деди депутат, ўлкада қурилиш индустриясини тез суръатлар билан ривожлантириш зарур.

Депутат **Ҳ. М. Абдуллаев** (Ўзбекистон ССР) мамлакатнинг шарқий районларида илмий муассасалар шохобчаларини кенгайтириш соҳасида қилинаётган ишларнинг аҳамияти тўғрисида гапиради. Ўзбекистонда фан ғоят тараққий этди. Ўзбекистонда ядро физикаси институтининг биринчи навбати вужудга келтирилди, аниқ ишлайдиган мураккаб приборлар, электрон аппарат ва бошқа илмий асбоблар ўзлаштирилмоқда. Ўзбекистонда жуда бой табиий газ конлари, бир қанча йирик рангли ва нодир металл конлари топилди. Олимлар конструкторлар ва ишлаб чиқариш ходимлари билан биргаликда пахта терадиган янги машиналарни вужудга келтирдилар, пахтанинг янги сортларини топдилар. Ўзбекистон олимлари фабрика ва заводлар билан, конлар билан ва колхоз ишлаб чиқариши билан маҳкам алоқа боғлаганликлари туфайли ана шу муваффақиятларга эришдилар.

Депутат **А. П. Пчеляков** (Киров области) ўз нутқида ўрмон ва ёғочсозлик саноатининг ривожланишига кўпроқ тўхталиб ўтди. Областнинг ўрмон саноати анча орқада қолиб келганидан кейин, эндиликда программани муваффақиятли суратда бажармоқда. Бу йил областда ёғоч тайёрлаш ва ташиш 1957 йилдагига нисбатан 2 миллион кубометр кўпаяди. Ёғоч тайёрлаш ишларининг механизация қилиниши, бутун йил бўйи ёғоч тайёрлаш ўтилганлиги ва бошқарув аппаратидаги ортиқча звеноларнинг тугатилганлиги ўрмон саноатининг ишларини яхшилашга ёрдам берди.

Нотиқ ўрмон саноатини комплекс механизациялаш учун зарур бўлган ёғоч ташувчи кучли тракторлар, машина ва механизмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги масалани кўтаради.

Депутат Пчеляков областда меҳнатга пул билан ҳақ тўлаш тартиби амалга оширилаётган колхозларнинг тажрибалари ҳақида гапиради.

Депутат **Ф. В. Казнов** (Калинин области) областда социалистик мусобақа кенг ривожланиб кетганлиги тўғрисида гапиради. Корхоналарда ишлаб чиқаришнинг минг-минглаб илғорлари ўсиб етишди. Уларнинг кўплари областнинг донгдор йигирувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентина Гагановадан намуна олиб, қолоқ участкаларни илғорлар даражасига кўтариш учун шу участкаларга ўтдилар.

Калинин области Россия Федерациясида энгир толаси етиштирувчи асосий районларнинг биридир. Бу йил, деди депутат, колхозлар мўл энгир пояси етиштирдилар ва уни ўз вақтида йиғиштириб олдилар. Давлатга 1.130 минг пуд юқори сифатли энгир уруғи топширилди. Депутат энгиркорликдаги ишларни механизациялаш даражасини ошириш, шунингдек областда энгир поясини қайтадан ишлаш корхоналарини қуриш зарурлиги тўғрисида гапиради.

«Красное Сормово» заводининг токари депутат **А. М. Годяев** (Горький области) ўз нутқида бундай деди: мен Москвага жўнаб кетаётган пайтда Сормово ишчилари, бу заводнинг энг кекса ходимлари менга: тинчлик йўлида ҳормай-толмай ва фидокорона қилган ишлари учун, Ватанимизни янада яшнатиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги учун қадрли Никита Сергеевичга энг самимий ташаккуримизни топширгил, дедилар.

Сўнгра, депутат дарёларда тез қатнайдиган кемаларни қураётган сормоволикларнинг техникани тараққий эттиришга катта ҳисса қўшаётганликлари тўғрисида гапиради.

Кўпгина илғор ишчилар В. Гагановадан намуна олиб, қолоқ бригадаларни илғор бригадалар даражасига кўтариш учун қолоқ бригадаларга ўтиб ишламоқдалар. Бутун-бутун коллективлар ана шу ҳаракатга қўшилди. Масалан, Горький автомобиль заводи, фрезер станоклари заводи, энгир комбинати қолоқ корхоналарнинг ўз ишлаб чиқаришини тезроқ юксалтиришларига ёрдам бермоқ учун ана шу корхоналарни ўз оталикларига олмоқдалар.

СССР Министрлар Совети Давлат илмий-техника комитетининг раиси **Ю. Е. Максарев** ўз нутқида айтдики, совет олимлари, инженерлари ва ишчилари буюк илмий-техника проблемаларини ҳал этдилар ва янги техниканинг кўп турларини вужудга келтирдилар. Бу техника чет элларнинг энг катта муваффақиятларидан қолишмай, балки улардан анча ўзиб кетди. Ҳозирнинг ўзидаёқ халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида меҳнат унумдорлиги тараққий этган капиталистик мамлакатлардаги меҳнат унумдорлигидан ортиқдир. Масалан, Коломна машинасозлик заводида 2 минг от кучига эга бўлган «Т—3» типидаги тепловозни тайёрлаш учун сарф қилинадиган меҳнат Америкада худди шу хилдаги тепловозларни тайёрлаш учун сарф қилинадиган меҳнатдан 20 процент камдир.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг сессия муҳокамасига тақдим этилган 1960 йилги плани, деб таъкидлайди нотиқ, янги машина ва материалларни вужудга келтириш, илғор технология процессларини жорий қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш ҳамда илмий тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлиқ ишларини олиб бориш ҳақидаги топшириқларни ўз ичига олади.

Депутат **А. Н. Лякинага** (Рязань области) сўз берилади. У, Рязань хотин-қизларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги ғоят ўсганлиги тўғрисида, қишлоқ меҳнаткаш хотин-қизлари делегациясининг ўртоқ Н. С. Хрушчев билан завқли учрашуви ҳақида гапиради.

— Биз,— дейди ўртоқ Лякина,— Никита Сергеевич Хрушчевни буюк давлат ишлари билан банд бўлгани ҳолда, Рязаннинг оддий меҳнаткаш хотин-қизлари билан учрашиш, уларнинг сўзларини эътибор билан тинглаш ва қимматли маслаҳатлар бериш учун фурсат топганлигидан ғоят миннатдормиз. Оддий киши тўғрисида оталарча эътибор ва ҳозирлик қилинаётган ва кишининг шуҳрати ҳақиқатан ҳам унинг меҳнати билан ва умумхалқ ишидаги иштироки билан белгиланаётган социалистик давлатдагина шундай бўлиши мумкин.

Депутат Лякина мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1960 йилги плани ва Бюджетини таслиқлаш кераклигини айтади.

Депутат **Н. А. Тихонов** (Днепропетровск области) ўз нутқида қуйидагиларни таъкидлади: мамлакат халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини доим тез суръатлар билан ривожлантириш — 1960 йилги план лойиҳасининг характерли хусусиятидир. Буни Днепропетровск иқтисодий райони мисолида ҳам кўриш мумкин. Днепропетровск иқтисодий райони келгуси йилда чўян ва пўлат эритиш ҳамда прокат ишлаб чиқаришни шу йилдагита нисбатан анча кўпайтиради. Шина заводи, мамлакатда энг йирик деб ҳисобланган домна печи, иккита кучли мартен печи, автоматлаштирилган сим стани, янги кокс батареялари ва шулар сингари муҳим иншоотлар ишга туширилади. Темир-руда саноати тез суръатлар билан ривожланади.

Иттифоқ Советининг эрталабки мажлисида депутатлардан **И. П. Воловченко** (Липецк области), **В. Т. Забалуев** (Новосибирск области), **С. К. Тока** (Тува автоном области) сўзга чиқдилар.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

400 МИНГ ТОННА ТОЖИКИСТОН ПАХТАСИ

СТАЛИНОБОД, 29 октябрь. (ТАСС). Тожикистон пахтакорлари давлатга 400 минг тонна пахта сотдилар. Бу миқдор ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 130 минг тонна кўп. 21 райондан етитаси пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажарди.

Республикада мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш юқори суръатлар билан давом эттирилмоқда. Далаларнинг меҳнаткашлари йиллик планни Улуғ Октябрнинг 42 йиллигигача, 15 ноябргача эса Ватанимизга 470 минг тонна пахта бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарф қилмоқдалар.

ПИСКЕНТ РАЙОНИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Пискент районининг колхозчилари, совхоз ва РТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб, давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан олдин — 30 октябрда ошириб бажардилар.

Давлат омборига 20 минг 820 тонна ёки 1958 йилдагига нисбатан 8 минг 700 тонна кўп, пахтадан энг юқори ҳосил олинган 1956 йилдагига қараганда эса 2 минг 803 тонна ортиқ пахта топширилди. Барча пахта биринчи сортга қабул қилинди.

Район колхозлари ва «Пискент» совхозида 2 минг 800 тонна пахта машина билан териб олинди ва пахтани машина билан бериш юзасидан белгиланган план 117 процент бажарилди.

Шунингдек районда давлатга ғалла, гўшт, сут, жун, тухум, пилла, мўйна, полиз экинлари маҳсулоти сотиш, пичан ва силос тайёрлаш юзасидан белгиланган планлар ҳам ошириб бажарилди.

Район меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига яна давлатга 3 минг 200 тонна пахта топшириш, қолган барча ҳосилни 15 ноябргача йиғиб-териб олиш мажбуриятини олдилар.

Район партия, совет хўжалик, ташкилотлари, барча меҳнаткашлари 1959 хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш, чорва молларининг қишловини ўтказишга яхши тайёргарлик кўриш, кузги-қишки тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш ва ҳамма майдонда кузги шудгорлашни барвақт тамомлаш юзасидан барча зарур чораларни кўрадилар.

Қуйи Чирчиқ район меҳнаткашларининг ғалабаси

Қуйи Чирчиқ райони меҳнаткашлари 29 октябрда давлатга пахта сотиш йиллик планини 100,1 процент бажардилар. Ҳаммаси бўлиб 11 минг 11 тонна пахта тайёрланди. Бу, ўтган йилнинг шу муддатидагига қараганда 5520 тонна кўпдир. Топширилган ҳосилнинг 99 проценти биринчи сортга ўтди. Машина терими плани 155,43 процент бажарилди.

Планнинг тўлишига қатор колхозлар каби «ЎзССР беш йиллиги» совхози коллективи ҳам катта ҳисса қўшди. Совхоз бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4400 тонна ортиқ, яъни 9026 тонна пахта тайёрланди. Машина терими плани 150,26 процент бажарилди. Пахта теримида Қишлоқ хўжалик институти студентлари актив қатнашдилар. Улар ҳозиргача 3500 тонна пахта тердилар.

Район меҳнаткашлари ички имкониятларни ҳисобга олиб, яна 1000 тонна пахта тайёрлашга қарор қилдилар. Ҳозир ана шу социалистик мажбуриятни бажариш учун қизғин кураш бораётир. Районда канал қоҳ-сидорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш соҳасида ҳам катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Шунингдек, ҳосили йиғиб олинган майдонларни шудгорлашга киришилиб, келгуси йил мўл ҳосили учун тайёргарлик бошлаб юборилди.

Илғорларга кўчма Қизил байроқлар

Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши ва Тошкент область касаба союз совети Тошкент иқтисодий-маъмурий районига қарашли саноат корхоналари ва ташкилотларининг 1959 йилнинг IV кварталидаги социалистик мусобақаси натижаларини якунладилар. Меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритган Тошкент радиолампа заводи ва В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи коллективларига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзсовпрофнинг кўчма Қизил байроғи ҳамда биринчи даражали мукофоти берилди. Тошкент Совнархози ва область касаба союз советининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда биринчи даражали пул мукофотлари Тошкент абразив заводи, Чирчиқ электрокимё комбинати, Тошкент тамаки фабрикаси коллективларига берилди. Тошкентдаги «Ўртоқ» кондитер фабрикаси, кимёфармацевтика заводи, Янгийўл пахта тозалаш заводи, Чирчиқ ГЭС каскади, Қўрғонча канал-жут заводи коллективлари мусобақада иккинчи ўринни эгалладилар. Уларга иккинчи даражали пул мукофотлари берилди. Чирчиқ ойна заводи, Тошкентдаги 4-нон заводи, Тошкент тўқимачилик-галантерея фабрикаси, Тошкентдаги ихтисослаштирилган ремонт-ишлаб чиқариш корхоналари ва Чирчиқ қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи коллективлари учинчи ўринни олдилар.

12 та корхонанинг яхши ишлаганлиги қайд қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан ва кўп йиллик халол педагогик фаолияти учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институтининг директори Аҳрор Муаффарович **Муаффаров** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан, кўп йиллар ва халол ишлаганлиги учун Тошкент область, Бўка районидаги «Бўка» совхозининг директори Муса **Ботирев** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бўлим инструктори Волкова Павла Александровна кўп йиллар ва халол ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Миллатлар Советининг 29 октябрь эрталабки мажлиси Кремль театри биносида Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **Т. Я. Киселев** раислигида ўтди. У, депутат **С. Г. Ханиповга** (Татаристон АССР) сўз беради.

Ўртоқ Ханипов ўзи раислик қилаётган «Активист» колхозининг ўсиши тўғрисида гапириб, айтдики, республикадаги колхозлар гоят юксалмоқдалар ва улар етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарадилар, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Сўнгра, нотиқ колхоз ва совхозларнинг техника билан яхши таъминланганликларини, лекин шундай бўлса ҳам, запас қисмлар етишмаётганлиги орқасида қийинчилик кўраётганликларини таъкидлайди. У, Миллатлар Совети иқтисодий комиссиясининг запас қисмлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги таклифини қувватлайди.

Сўнгра, ўртоқ Ханипов айтадики, «Активист» колхози ерларида торф чиқадиган жойлар кўп, лекин колхоз тупроқ қазийдиган машиналар йўқлиги орқасида улардан фойдаланолмаётир.

Депутат **И. С. Беляев** (Карелия АССР) минбарга чиқади. У айтадики, Карелия АССР капитал қурилиш ишларига ҳар йили бир миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарф қилмоқда. Республикада Ғарбий Карелия темир йўли қурилмоқда, ёғоч ташийдиган тракторлар ишлаб чиқарадиган Онега заводи ва бошқа корхоналар кенгайтирилмоқда.

Депутат республика территориясида картон комбинати, шунингдек целлюлоза комбинати қуриш масаласини кўтаради. Ёғоч-тахта қипиқлари картон комбинати учун хомашё бўла олади. Маҳаллий хомашёнинг мавжудлиги ва Карелияга туташ районларнинг эҳтиёжлари чинни идиш заводи қуриш тўғрисидаги таклифни илгари суриш имконини беради.

Ўртоқ Беляев 1960 йилги халқ хўжалиқ планини ва Давлат бюджетини Миллатлар Совети бюджет комиссияси ва иқтисодий комиссиясининг тузатишлари билан тасдиқлаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг мастери депутат **Н. А. Игнатова** (Ўзбекистон ССР) сўзга чиқади. У айтадики, комбинат ҳозирги вақтда республика тўқимачилик саноатида ишлаб чиқарилаётган бутун маҳсулотнинг 80 процентига яқинини тайёрлаб бермоқда. Корхона коллективи 1965 йилга келиб, ҳар йили газлама ишлаб чиқаришни 225 миллион метрга етказиш учун курашмоқда. Комбинатда автоматлаш ва механизациялаш соҳасида кўп иш қилинди.

Биз, дейди ўртоқ Игнатова, свердловскликларнинг ватанпарварлиқ ташаббусига қўшилиб, газлама тайёрлаш ва ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан етти йиллик планни муддатидан бир йил илгари бажариш мажбуриятини олдик. Комбинат коллективи янги техникани жорий қилиш, машина-ускуналарни модернизация қилиш ва рационализаторларнинг таклифларини амалга ошириш йўли билан камида 30 миллион сўмни тежаб, етти йиллик фондига топширади.

Депутат тўқимачилик корхоналарининг эски машина ва ускуналарни модернизация қилиш учун машинасозлик заводларида деталлар, машиналар ва станоклар ишлаб чиқаришни ушлаштириш ҳақида таклиф киритади.

— Бизнинг республикамиз,— дейди ўз нутқида депутат **Э. А. Сангаев** (Қалмиғистон АССР),— чорва моллар сонини ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш учун катта имкониятларга эгадир. Аммо, сув танқислиги ана шу имкониятлардан тўла фойдаланишга халақит бермоқда. Республика капитал сув хўжалик иншоотларига муҳтождир. Депутат келгуси йил планида Сарнинск суғориш системаси қурилишини тамомлаш ва Кума-Манич сув системаси қурилишини тезлаштириш қўзда тутиш зарурлиги ҳақида гапиради.

Сўнгра, ўртоқ Сангаев республикани тезроқ электрлаштириш мақсадида юқори вольтли электр линияси қуриш ва Қалмиғистоннинг бир қанча районларини қўшни областларнинг энергия системаларига қўшиш зарур, деб ҳисоблайди.

Коми АССР, дейди депутат **Н. В. Шерстнев**, қишлоқ хўжалиги ривожланган йирик саноат маркази бўлиб қолди. Юқори сифатли кўмир, ёғочтахта, нефть ва бошқа маҳсулотлар бу ердан бошқа жойларга узлуксиз юборилмоқда. Етти йилликда республикадаги саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми қарийб икки баравар ортади, халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағ эса 16 миллиард сўмни ташкил этади. Печора кўмир ҳавзаси ҳақли суратда шимолий ўлканинг инжуси деб аталади. Бу ҳавзада юқори сифатли коксланувчи кўмир ва энергетика кўмири ҳаддан ташқари кўп. Заполярье кончилари шу йилнинг ўзидагина бир тонна кўмирнинг таннархини 7 сўм камайтириб, давлатнинг 100 миллион сўмини тежадилар. Ҳавзадаги шахтёрлар кўмир чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва шахталарни техника билан қайта қуроллантириш йўли билан етти йилликда эксплуатация харажатларини 3 миллиард сўм камайтиришни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар.

Депутат **В. В. Митюшкин** (Ёқутистон АССР) сўз олади. Ёқутистоннинг жуда кўп табиий бойликларидан, дейди у, халқ манфаатлари учун тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Олтин чиқадиган Алдан районида очиқ усул билан чиқариладиган олтинли рудани қайта ишлаш учун жуда катта конбойитиш комбинати қурила бошлади. Бу эса олтиннинг таннархини анча камайтириш имконини беради. Олмос чиқариш кўпайтирилади, бунинг учун драга каби механизмлардан фойдаланилади. Республика экономикасининг тез ривожланиши муносабати билан депутат транспортни жадал суръатлар билан ривожлантириш масаласини кўтаради.

Миллатлар Советининг эрталабки мажлисида СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1960 йилги плани ва Давлат бюджети лойиҳаларини муҳокама қилишда депутатлардан **Ж. Б. Ванкеев** (Бурятистон АССР), **И. П. Астайкин** (Мордовия АССР), **М. Г. Чиковани** (Абхазия АССР), **В. С. Бойчук** (Украина ССР), **Д. М. Мамуладзе** (Ожористон АССР), **П. Сеитов** (Қорақалпоғистон АССР), **В. И. Поздеев**лар (Удмурдистон АССР) ҳам қатнашдилар.

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Иттифоқ Советининг кечки мажлиси Кремль театри биносида Иттифоқ Советининг Раиси депутат **П. П. Лобанов** раислигида бўлиб ўтди.

Биринчи бўлиб СССР Алоқа министри **Н. Д. Псурцев** сўзлади. У СССРда почта, телефон ва телеграф алоқасининг ривожланиш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди. Депутат мамлакатимизда телевидениенинг ўсиши ҳақида маълумотлар келтирди. Совет Иттифоқида 71 телевизион марказ ишлаб турибди, йил охиригача уларнинг сони яна 13 тага кўпаяди. Телевидение программаларини 75 миллион киши тамоша қилади. Ретрансляция станцияларини барпо қилиш соҳасида иш олиб борилмоқда, бу эса кўпгина янги шаҳарларда телевизион эшиттиришларни ташкил қилиш имкониятини беради. Телевизион марказлар ўртасида программалар айирбошлаш кенгайтирилади.

Олтой трактор заводининг ишчиси депутат **А. В. Киселева** сўзга чиқади. Рубцовск шаҳрининг корхоналари, деди у, шу йилнинг бошидан бери қишлоқ хўжалиги ва ўрмон саноати учун пландан ташқари минглаб генераторлар ва кўпгина бошқа буюмлар бердилар.

Олтой машинасозлари, дейди депутат, машина ва ускуналарнинг эскириб қолган моделлари ўрнига техниканинг ҳозирги даражасига жавоб берадиган замонавий машина-ускуналарни ишлаб чиқармоқдалар. «Алтайсельмаш» заводи осма ва ярим осма плугларнинг маркаларини ишлаб чиқара бошлади, янги беш корпусли плуг яратди. Трактор заводининг коллективи 100 от кучига эга бўлган ўрмаловчи тракторларнинг ҳамда худди шундай қувватга эга бўлган ва ботқоқлик ерларда ишлайдиган тракторнинг дастлабки намуналарини тайёрлади.

Сталино областининг меҳнаткашлари, дейди депутат **И. П. Казанец** (Украина ССР), етти йиллиқнинг биринчи йилини муваффақиятли тугалламоқдалар. Улар шу йилнинг 9 ойи ичида пландан ташқари юз миллионлаб сўмлик маҳсулот бердилар. Партия ва ҳукуматнинг иш кунини қисқартириш ҳамда иш ҳақини тартиблаштириш соҳасидаги тадбирлари планнинг муваффақиятли бажарилишига жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Сталино иқтисодий районидаги кўмир саноати, қора ва рангли металлургия, кимё, цемент, туз саноати корхоналарида, темирбетон буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда бу тадбирлар ҳозирдаёқ амалга оширилди. Шу билан бирга меҳнат унумдорлиги кўмир ва металлургия саноатида 4,4 процент, цемент саноатида ва темирбетон буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарда 13,8 процент ошди.

Депутат **И. М. Кратенко** (Тула области) айтдики, Тула иқтисодий районининг меҳнаткашлари ишлаб чиқаришнинг ички резервларини аниқлаш ва ишга солишда актив қатнашмоқдалар. Кимё саноатини жадал ривожлантириш юзасидан олинган социалистик мажбурият муваффақиятли бажарилмоқда. Минерал ўғитлар, синтетик материаллар ва толалар, шунингдек резина-техника буюмлар ишлаб чиқариш қувватлари янада оширилмоқда. Кимё саноати ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш ҳисобига кенгайтирилмоқда, бу эса етти йиллик ичида 500 миллион сўмдан ортиқ капитал маблағларни тежаш имкониятини беради.

Палата мажлисида депутатлардан **А. В. Басов** (Ростов области) ва **А. Н. Задемидко** (Кемерово области)лар ҳам сўзга чиқдилар.

30 октябрда СССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Аҳмадали Ризаев нутқи

(ЎЗБЕКИСТОН ССР БУХОРО ШАҲАР САЙЛОВ ОКРУГИ).

Депутат ўртоқлар! Ўтган сессия билан ҳозирги сессия ўртасидаги давр унча катта бўлмаса ҳам, жуда муҳимдир, чунки бу даврда ҳақиқатан ҳам тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеалар рўй берди. Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Америка Қўшма Штатларига қилган сафари кейинги вақтлардаги энг катта воқеаларнинг бири бўлди. Бу сафарнинг натижалари мамлакатимизнинг хамма ерида зўр мамнуният билан муҳокама қилинмоқда ва қизғин маъқулланмоқда.

Бутун дунё меҳнаткашлари, яхши ниятдаги барча кишилар ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Америкада бўлишини завқ ва умид билан кузатиб турдилар, унинг сўзлаган нутқларини ва Америка халқи хилма-хил доираларининг вакиллари билан қилган суҳбатларини зўр эътибор билан ўқидилар. Совет воқелиги тўғрисидаги, келгусига мўлжалланган ва дадиллик билан тузилган планларимиз тўғрисидаги ҳақиқатнинг ёрқин сўзлари ана шу доираларга бориб етди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Америка Қўшма Штатларига қилган сафари халқаро миқёсда гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Совуқ уруш музи эрий бошлаганлиги, икки буюк давлатнинг раҳбарлари ҳаётий муҳим халқаро масалаларни муҳокама қилмоқ учун яхши асос яратганликлари ва халқаро кескинликни юмшатиш йўлини очиб берганликлари бизларнинг ҳаммамизни, барча совет кишиларини қувонтирмоқда. Бу — инсоният учун буюк ишдир.

Никита Сергеевич Хрушчевнинг ер юзида тинчликни сақлаш, барча халқларнинг бахт-саодати йўлида қилган олижаноб ишлари учун Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан унга чуқур миннатдорчилик ва самимий ташаккур изҳор қилишга ижозат бергайсиз. **(Қарсаклар).**

1959 йил яна шу билан ҳам машҳур бўлдики, совет кишилари, бизнинг шонли олимларимиз Ойга биринчи марта космик ракета юборишдилар, қитъалараро автоматик станцияни космик фазога учирдилар, биринчи атом музёрарини сувга туширишдилар. Космоси бўйсундириш ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларда фойдаланиш даври бошланди. Буларнинг ҳаммаси севикли Ватанимиз учун, улуғ Коммунистик партиямиз учун қувонч ва қонуний фахрланиш туйғуларини оширади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир куни янгидан-янги меҳнат зафарларини вужудга келтирмоқда. Бу зафарлар совет халқининг меҳнат соҳасида мисли кўрилмаган ғайрати, ватанпарварлик шижоатини ва кенг миқёсда бажараётган ижодий фаолиятини исбот қилади. Совет халқи хўжалик ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида гоят мураккаб ва жуда катта вазифаларни дадиллик билан ҳал этмоқда.

Депутат ўртоқлар! Ўзбек халқи халқларнинг ягона бузилмас оиласида бир сафда туриб, ўзининг бутун ижодий қобилияти ва ғайратини севикли Ватан бахт-саодати йўлига бағишлаб, эркин ва баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда. Ўзбек халқининг ижодий истеъдоди кун сайин тобора кенг миқёсда рўёбга чиқмоқда, битмас-туганмас янги кучлар бунёдга келмоқда. Бу кучлар мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг буюк умумий оқимига кучли тўлқин бўлиб қўшилиб кетмоқда. Ўзбекистон чинакам тараққиёт ва бахт-саодатнинг кенг йўлига ўтиб олди ва улуғ рус халқи бошчилигида кўп миллатли социалистик Ватанимиздаги барча халқлар билан бир ёқадан бош чиқариб, забардаст қадамлар билан олга бормоқда.

1959 йил республикамиз меҳнаткашлари учун жиддий синов йиллидир. Ўзбекистон пахтакорлари бу йил мамлакатга 3 миллион 50 минг тонна «оқ олтин» топширишга ваъда қилганлар. Партияга ва ҳукуматга берган ваъдамиз, шубҳасиз, шараф билан бажарилади. 28 октябргача 2 миллион 576 минг тонна пахта, ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 664 минг тонна кўпроқ пахта терилиб, тайёрлаш пунктларига топширилди.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, кўп меҳнат талаб қилади-ган талайгина оғир ишлар, шу жумладан пахтани парвариш қилиш ва ҳосилни териб олиш ишлари кейинги йилларгача қўл кучи билан бажарилиб келди. Ўзбекистонда экин майдонлари тез кенгайиб, ҳосилдорлик ортиб борган бир шароитда қўл меҳнати пахтачиликни янада ривожлантиришга тўсқинлик қила бошлади. Маълумки, Ўзбекистонда жуда муҳим бўлган ва ҳал этиш пайти келган масалалар бир қанча сабабларга кўра, узоқ вақтгача ҳал этилмай келди. КПСС Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ёрдами билангина пахта етиштириш ва пахта теришнинг илғор прогрессив усуллари ихчиллик ва қатъият билан жорий қилина бошлади. Шу йилнинг ўзидаёқ катта майдонларда чигит квадрат-уялаб экилди, ғўза кетмонсиз, машиналар ёрдами билан икки томонлама ишланди. 300 минг тоннадан кўпроқ пахта машиналар билан териб олинади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон далаларида мўл пахта ҳосилини йиғиштириб олиш учун қизғин иш олиб борилмоқда. Пахта териш машиналарининг неча юзлаб механик-ҳайдовчилари қаҳрамонона меҳнат қилишнинг юксак намуналарини кўрсатиб, пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллигигача бажариш учун курашмоқдалар.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил давлатга дон, ғўшт, сут, тухум, қоракўл тери, пилла ва каноп сотиш йиллик планларини муддатидан илгари бажардилар ҳамда давлатга пландан ташқари талайгина ғалла, ем-хашак, пахта, ипак, ҳосилдорлик ва чорвачилик маҳсулотлари бердилар.

Саноатни ривожлантириш соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Республика саноат корхоналари етти йилликнинг биринчи йилида 9 ойлик планни муддатидан илгари бажардилар ва пландан ташқари неча юз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. Фан, маданият, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, социал таъминот ишлари янада ривожланди.

Буларнинг ҳаммаси бизни, шубҳасиз, қувонтиради. Аммо, эришилган ғалабалар бизни ҳотиржам қилолмайди ва ҳотиржам қилмаслиги керак. Коммунистик истиқболнинг буюк вазифалари бизнинг муваффақиятларимизга мезон бўлиши керак.

Депутат ўртоқлар! Ўртоқ Н. С. Хрушчев Америкага қилган тарихий сафаридан қайтиб келган кунда Бухоро область, Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Баракаева Н. С. Хрушчев номига юборган телеграммасида областимиздаги барча меҳнаткашларнинг фикр ва туйғуларини изҳор қилиб, қуйидагиларни ёзди: «Қадрдон Никита Сергеевич! Колхозимизнинг аъзолари Сизнинг Америка Қўшма Штатларига қилган визитингизни зўр иштиёқ, хурсандчилик ва иҳтиҳор билан кузатиб турдилар. Биз шу кунларда ўзимиз етиштирган мўл пахта ҳосилини йиғиштириб олиш учун мисли кўрилмаган ғайрат билан меҳнат қилмоқдамиз... Сизнинг тарихий сафарингизнинг муваффақиятли ўтганлиги бизларни меҳнатда янги зафарларга илҳомлантиради. Мен ва мен бошлиқ бригаданинг барча аъзолари Сизни ишонтириб айтамизки, Улуғ Октябрнинг 42 йиллигигача севикли Ватанимизга 88 гектар ернинг ҳар гектаридан 70 центнердан пахта топширамиз».

Областнинг барча меҳнаткашлари Шарофат Баракаева ва дугоналарининг ватанпарварлик ишларини қизғин қувватладилар. Барча колхоз ва совхозларда планни муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ мусобақаси кучайиб кетди. Мен Олий Советга хурсандчилик билан шуни хабар қиламанки, Бухоро областининг пахтакорлари ўз ваъдаларини шараф билан бажардилар: пахта тайёрлаш давлат плани 29 октябрда, ўтган йилдагидан қарийб бир ой илгари тўлиқ бажарилди.

Давлатга ҳозиргача 268 минг тонна пахта сотилди. Бу миқдор, 1958 йилнинг шу давридагига нисбатан 72 минг тонна ортиқдир. Тайёрланган пахтанинг 97 проценти биринчи сорт билан қабул қилинди. Шарофат Баракаева бригадаси эса, шу пайтгача ҳар гектар ердан 65 центнердан пахта териб олди.

Мен юқорида айтиб ўтганимдек, аввало, пахта етиштириш ва пахта теришдаги илғор прогрессив усулларнинг кенг қўлланилганлиги Бухоро областида пахта тайёрлашни муваффақиятли ўтказиш имконини туғдирди. Бу йил биринчи марта 40 минг гектардан кўпроқ майдонда ғўза кетмонсиз машиналар билан икки томонлама парвариш қилинди, 1960 йилда эса кетмонни ишлаб чиқариш қуроли сифатидан тамомила суриб чиқармоқчимиз.

Пахта териш техникаси ҳам кенг қўлланилмоқда. Бир неча йилдан буён фойдаланилмай келган 500 дан кўпроқ пахта териш машинаси ишга солинди ва уларнинг кўпчилиги ҳосилни йиғиштириб олишда яхши натижалар берди. Область машинада пахта териш планини анча ошириб бажарди. «Октябрь» колхозининг пахта териш машинаси механик-ҳайдовчиси Шариф Жумаев СХМ-48 машинаси билан мавсумда нормада кўрсатилган 40 тонна ўрнига 158 тонна пахта терди, «Гулистон» колхозида механик-ҳайдовчиси Ғайбулла Бўриев 131 тонна пахта терди. Свердлов районидаги Сталин номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Муҳаммад Сулаймонов ва Ленин номли колхознинг механик-ҳайдовчиси Ражаб Файзиев 120 тоннадан пахта тердилар.

Шундай қилиб, КПСС Марказий Комитети, Иттифоқ ҳукумати ва шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ёрдами билан Ўзбекистон пахтачилиги техника тараққиётининг ҳал қилувчи даврига қадам қўйди. Колхозчиларимизни ва хусусан колхозчи хотин-қизларни пахта етиштириш ва пахта теришдаги оғир қўл меҳнатидан халос қилиш учун асос қўйилди. Бизнинг колхозчиларимиз бунинг учун КПСС Марказий Комитетига, Ҳукуматга ва шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевга самимий ташаккур изҳор қилмоқдалар.

Депутат ўртоқлар! Бухоро областининг меҳнаткашлари партиямизнинг тарихий XXI съездида ишлаб чиқилган буюк етти йиллик планни ўзларининг жонажон иши деб қабул қилдилар ва бу планни амалга ошириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Областнинг колхозчилари пахта билан бир қаторда давлатга гўшт, сут ва пилла сотиш йиллик планларини муддатидан илгари 103 процент, қоракўл тери сотиш планини 127 процент, тухум сотиш планини 111 процент бажардилар.

Жамоат чорвачилигининг маҳсулдордиги ҳам анча ортди. Мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш ишлари билан жиддий шуғулланганимизда кейин, аввало, маккажўхори етиштиришга катта эътибор берганимиздан кейингина бунга эришилди. Эндиликда бизда донги кетган маккажўхори етиштирувчи механизатор Ғиталов ва Маниковскийлардан намуна олувчилар кўпайди. Улар ҳар гектар ердан минг центнердан кўк поя олиш учун курашмоқдалар.

Уларнинг зўр ғайрат ва қунт билан қилган меҳнати яхши натижалар берди. Масалан, Шофирикон районидаги Сталин номли колхозда Очил Мўминов бошлиқ комсомллар бригадаси 70 гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 1500 центнердан кўк поя олди. «Октябрь» колхозида Ўрун Шукуров бошлиқ бригада ҳар гектар ердан 1450 центнердан кўк поя олди. Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхозда ўртоқ Ражаб Қосимов бошлиқ бригада эса ҳар гектар ердан 820 центнердан кўк поя етиштирди.

Бундай мисоллар кўп. Аммо, биз бу ишларни маккажўхори етиштириш йўлидаги буюк қурашнинг бошланғичигина деб ҳисоблаймиз. Бу— чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишнинг энг муҳим шартидир.

Ҳозирги вақтда бутун совет халқи каби областимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитетининг яқинда ўтказиладиган Пленумини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар. Бизнинг пахтакорларимиз Пленум очилишига қадар ўз социалистик мажбуриятларини бажаришни, яъни бу йил Ватанга камида 300 минг тонна пахта топшириш ва ерларни шудгорлашни юқори сифатли қилиб ўтказишни таъминлаш билан келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам асос яратишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар.

Область саноати ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бизнинг корхоналаримиз ўн ойлик планни 105 процент бажардилар. Ялпи маҳсулот ўтган йилдагига нисбатан 18 процент кўпайди.

Экономикани тез ўстириш негизида областимизда соғлиқни сақлаш, маданий-оқартув шохобчалари ва халқ маорифи ҳам анча ривожланди. Шу нарса қувончлик, шу ўқув йилида областдаги барча қишлоқ мактаблари республикада биринчи бўлиб бир сменали машғулотга кўчирилди, 1960 йилда эса шаҳар мактабларини ҳам бир сменага кўчириш ниятидамиз.

Бир замонлар қолоқ бўлган Бухоро ленинча доно миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириш натижасида, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг кундалик ёрдами натижасида Совет Шарқида энг йирик саноат районларидан бирига айланмоқда. Бухоро районида жуда катта табиий газ конларининг топилганлиги халқ хўжалиги учун буюк аҳамиятга эгадир. Бу конлар Ўзбекистонда, шу жумладан областимизда кучли газ ва кимё саноатини вужудга келтириш имконини беради. Бухоро гази Ўрта Осиёнинг катта қисминингина эмас, балки Уралдаги кўпгина саноат марказларининг ҳам эҳтиёжларини таъминлайди. 1960 йилда Бухоро — Тошкент магистрал газопроводи қурилиши тамомланади. Етти йиллик планда 1800 километр узунлигида энг катта Бухоро — Челябинск газопроводи ва 2100 километр узунлигида Бухоро — Свердловск газопроводи қурилиши кўзда тутилади.

Уралнинг саноат районларини Ўзбекистон гази билан таъминлаш Бутуниттифоқ миқёсидаги меҳнат тақсимотида бизнинг ватанпарварлик бурчимиз бўлиб, Ватанимиз халқлари ўртасида абадий ва бузилмас дўстлик ҳамда қардошликни янада кўпроқ мустаҳкамлайди ва равнақ топдиради.

Областда юқори сифатли нефтнинг ҳам кўп запаслари топилди. Газ ва нефть саноатининг ривожлантирилиши Бухоро областининг бутун экономикаси ва маданиятини мисли кўрилмаган даражада юксалтиради. Областда саноатнинг янги тармоқларини вужудга келтиради.

Капитал қурилиш кенг ривожлантирилади. Етти йилликда областнинг халқ хўжалигини ривожлантириш учун 4,300 миллион сўмга яқин маблағ ажратилишини айтиб ўтиш кифоядир. Бу эса, ўтган 40 йил мобайнида сарфланган маблағ миқдоридан 2,8 баравар ортиқдир.

Етти йилликда оғир саноат маҳсулоти ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш тахминан 22 баравар кўпаяди.

Область экономикасини ривожлантиришнинг халқ хўжалигини юксалтириш етти йиллик планидан келиб чиқадиган баъзи перспективалари шулардан иборат.

Депутат ўртоқлар! Халқ манфаатлари, халқнинг бахти ва фаровонлиги улуғ Коммунистик партиянинг ва Совет ҳукуматининг фаолиятида энг муҳим ва энг асосий иш бўлган бизнинг мамлакатимиздагина халқ саодати тўғрисида шундай оталарча ғамхўрлик ва доимий эътибор бўлиши мумкин. Бу — чин бахтнинг худди ўзгинасидир.

Депутат ўртоқлар! СССР Олий Советининг қарамоғига ва тасдиқига тақдим этилган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1960 йилги плани ва Давлат бюджети Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг тинчликсеварлик сиёсатини ёрқин акс эттиради ва Ватанимизнинг қудратини бундан буён ҳам ҳар томонлама ўстириш ва мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Бу ерда сўзга чиққан депутатларнинг СССРнинг 1960 йилги халқ хўжалик плани ва Давлат бюджети тўғрисидаги қонунни Бюджет Комиссияси ва Иқтисодий комиссиясининг мулоҳазаларини эътиборга олиб тасдиқлаш ҳақидаги таклифларини бутунича ва тамомила қувватлайман. Шу билан бирга, бизнинг қуйидаги илтимосимизни ҳам қараб чиқишни СССР Олий Советидан сўрайман:

Биринчидан, 1960 йилда ва шундан кейинги йилларда пахтачилик соҳасидаги ишларни комплекс механизациялаш ва қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш юзасидан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори билан белгиланган программа Ўзбекистонда ишлаб турган машинасозлик заводларининг қувватини ошира бориши таъминлашни талаб қилади. Шу муносабат билан, Ўзбекистонда 1960 йилда ажратиладиган капитал маблағ ҳажмини СССР Госплани томонидан белгиланган миқдорга нисбатан 12 миллион сўм оширишни СССР Министрлар Советидан илтимос қиламиз.

КПСС Марказий Комитети ва шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчев саноатни, биринчи галда оғир индустрияни янада ривожлантиришга жуда катта эътибор бермоқдалар. Ўзбекистонда, жумладан Бухоро иқтисодий районида шу етти йилликда, юқорида айтиб ўтганимиздек, Бухоро гази базасида бир қанча корхоналар, электростанциялар, меланж комбинати, цемент заводи ва бошқа корхоналарни қуриш мўлжалланган. Ана шу объектлар қурилишини муваффақиятли амалга ошириш учун республикадаги қурилиш ташкилотларини мустаҳкамлаш ва машина-ускуналар билан таъминлаш талаб этилади. Шу муносабат билан, Ўзбекистондаги қурилиш ташкилотларининг қувватини оширишга ёрдам бериш тадбирларини республика ташкилотларининг ишторки билан махсус қараб чиқишни СССР Госплани ва СССР Госстройидан сўраймиз.

Депутат ўртоқлар! Ўзбек халқи Совет Иттифоқидаги барча халқлар билан мустаҳкам ҳамкорликда жонажон Коммунистик партия ва унинг Ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида мамлакатимизда коммунистик жамият қуришдан иборат буюк ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. **(Қарсаклар).**

29 октябрдаги кечки мажлислар

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Миллатлар Советининг кечки мажлиси Катта Кремль саройида Миллатлар Совети Раисининг ўринбосари депутат **И. А. Каиров** раислигида ўтди.

Депутат **О. А. Чахиева** (Чечен-Ингуш АССР) сўз берилади. У Чечен-Ингуш автоном республика экономикасининг ва маданиятининг ривожланиши ҳақида гапиради. Меҳнаткашлар етти йиллик планни саноат ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан муддатидан бир йил илгари бажариш учун зўр ғайрат билан курашмоқдалар. Нефть чиқариш кўпайди. Янги нефть конларининг очилиши бунга ёрдам берди. Саноат ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини 21 сентябрда бажарди. Республикада янги корхоналар қурилмоқда. Шу муносабат билан депутат Чахиев машина-ускуналар етказиб бериш мажбуриятларини бажармаётган бир қанча халқ хўжалиги кенгашлари олдига талаблар қўяди.

Сўнгра нотиқ қишлоқ хўжалиги масалаларига тўхталиб, республикада узумчилик, боғдорчилик, шунингдек қўйчилик кенг ривожланаётганлигини айтади.

Электростанциялар қурилиши министри **И. Т. Новиков** ўз нутқини энергетикани ривожлантириш масалаларига бағишлади. У айтдики, етти йиллик планда мамлакатнинг Шарқий районларида ва Ўрта Осиё республикаларида электр қуввати ишлаб чиқаришни янада жадал суръатлар билан кўпайтириш кўзда тутилган. Электр қуввати ишлаб чиқариш, асосан, йирик тепловоз электростанциялар, шунингдек арзон электр қуввати берадиган гидроэлектростанциялар қуриш ҳисобига кўпайтирилади.

Сўнгра нотиқ электростанциялар қурилишини тезлаштириш ва арзонлаштириш мақсадида министрлик томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида сўзлади.

Чувашистон саноати, дейди депутат **М. С. Степанов** (Чувашистон АССР) ўз нутқида, мамлакатга миллиардлаб сўмлик саноат маҳсулотиэлектр аппаратлари ва электр приборлари, тракторлар учун запас қисмлар, мебель, стандарт уйлар, газлама, пайпоқ-трикотаж буюмлар, темир йўл вагонлари ва паровозлар бермоқда. Республикада янги саноат корхоналари, уй-жойлар, маданий ва даволаш муассасалари қурилиши кенг авж олдирилмоқда. Қишлоқ хўжалиги чорвачилик маҳсулотлари ва техника экинлари етиштириш учун ихтисослаштирилади.

Нотиқ тракторлар учун запас қисмлар ишлаб чиқарадиган Чебоксари заводини қуриш муддатларини қисқартириш имкониятлари, бунинг натижасида етти йиллик давомида

Пахта тайёрлаш давлат планини адо этиб, социалистик мажбуриятини бажариш учун курашаётган пахтакорларга шон-шарафлар бўлсин!

Қуйи Чирчиқ районининг илғор пахтакорлари

Ўртоқ Б. ЖУМАБОЕВ.
Красин номли колхознинг раиси.

Ўртоқ С. ЖОНАЛИЕВ.
«ЎзССР беш йиллиги» совхозининг механик-ҳайдовчиси.

Ўртоқ ЦОЙ В.
Красин номли колхознинг илғор бригада бошлиғи.

Мажбурият ҳам бажарилади

Яқинда район меҳнаткашлари капоп-жут тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида рапорт берган эдилар. Эндиликда Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллиги ва КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига бошланиб кетган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган районимиз меҳнаткашлари йиллик пахта тайёрлаш планини ҳам муддатидан илгари бажардилар. 4620 гектар майдондан ҳозиргача давлатга 11 минг тоннадан ортиқ пахта сотилди.

Биз бу муваффақиятга механизацияни кенг қўлланиш, колхозчилар ва совхоз ишчиларини пахта ҳосилини кўпайтиришга сафарбар этиш, пахтакорларга қулай маданий-маиший шароит яратиб бериш, улар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш натижасида эришдик.

Районимизда пахта тайёрлаш планининг муваффақиятли бажарилишида «Қизил шарқ», Сталин номли, Димитров номли, Красин номли колхоз аъзолари, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ўртоқ Югай Яков бошлиқ 1- бўлими ишчилари ва жуда кўп бригадалар муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва область партия комитети бу йил аввал баҳорданоқ пахтачиликда техникадан унумли фойдаланишга, айниқса пахтани машина билан териб олишга катта эътибор бердилар. Бу соҳада бизнинг районда ҳам сезиларли иш қилинди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида бу йил 32 та трактор-далачилик бригадаси тузилди. Кўп майдондаги ғўзалар икки томонлама, машина билан пахта теришга мослаштириб парвариш қилинди. Техникадан унумли фойдаланиб, кетмонсиз ишлаш тадбирлари кенг жорий этилди. Бу ҳеч шубҳасиз, яхши натижа берди. Дастлаб, биз совхозда 3 минг тонна пахтани машина билан териб олишни планлаштирган эдик. Лекин машина билан пахта теришга бўлган қизиқиш кучайиб кетгани ва бу ишга яхши тайёргарлик кўрилгани туфайли 70 та машина билан 4500 тоннадан кўпроқ пахта териб олинди. Бу, районимиз бўйича топшириладиган умумий пахта ҳосилининг 40 процентидан кўпрогини ташкил қилади.

Машина билан пахта теришда кўпгина механик-ҳайдовчилар унумли ишладилар. М. Атаманов, С. Жоналиев, П. Мазин каби механик-ҳайдовчилар шу кунгача 70 — 80 тонналан пахта тердилар ва пахта ҳосилини барвақт териб олишда совхозга катта мадад бердилар.

Шунингдек, Турсунбой Рўзимуҳаммедов, Робия Мустафоева, Олмос Ҳасанова каби кўпминткилограммчилар ҳаракатига қўшилган моҳир теримчилар ўз сўзларининг устидан чиқиб, ҳозиргача 8 — 11 тоннадан пахта тердилар.

Районимизда пахта планининг бажарилишига, айниқса Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг меҳнатсевар студентлари катта ҳисса қўшдилар. Улар «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг 3500 тонна пахтасини териб бердилар.

Партиямизнинг навбатдаги Пленумини муносиб совғалар билан кутиб олишга астойдил бел боғлаган районимиз меҳнаткашлари эришилган бу муваффақият билан қаноатланиб қололмайдилар. Улар яна давлатга пландан ташқари 1000 тонна пахта сотиш тўғрисида қўшимча мажбурият олдилар.

Айни пайтда совхоз ва колхозларда келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш ҳаракати ҳам қизиб кетди. Ҳозиргача совхоз ва колхозларда 9 минг гектар ер шудгор қилиб қўйилди.

Районимизда пилла, гўшт, сут, тухум тайёрлаш, силос бостириш планлари ҳам ошиги билан ало этилди. Юксак ватанпарварлик ҳиссиётлари билан тўлиб-тошган районимиз меҳнаткашлари пландан ташқари 1400 тонна пахта топшириш ҳақида ўз зиммаларига олган қўшимча мажбуриятни ҳам ҳеч сўзсиз тўла-тўкис бажаришнинг уддасидан чиқа оладилар.

И. СОТИБОЛДИЕВ,
Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг секретари.

Механизация — ҳал қилувчи куч

Совхозимиз коллективи КПСС Марказий комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига муносиб совға тайёрлаш учун давом этаётган курашни тобора авж олдирмоқда. Ҳозиргача 3784 гектар майдоннинг ҳар гектаридан қарийб 25 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Ҳали далада ҳосил кўп. Давлат планини тез кун ичида бажариш мақсадида ҳосилнинг қолган қисмини йиғиб-териб олиш жадал давом эттирилмоқда.

Партия ташкилоти, коммунистлар бу йил пахтачиликни комплекс механизациялаш масаласини марказий ўринга қўйдилар, коллективнинг курашини ташкил этдилар ва унга бошчилик қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитети, қуйи партия ташкилотларининг эътиборини етиштирилган мўл ҳосилни қисқа муддатларда нобуд қилмай йиғиб-териб олиш машина теримини тўғри ташкил этишга боғлиқ эканлигига жалб этдилар.

Ҳали ғўза парвариши давом этаётган даврда механик-ҳайдовчиларнинг қисқа муддатли курси ташкил этилди ва унга 67 механизатор жалб қилинди. 70 та пахта териш машинаси тахт қилиб қўйилди.

Машина терими ана шундай тайёргарлик билан бошланди ва дастлабки кунларданоқ муваффақиятли давом эттирилди. Партия ташкилоти барча агрегатларнинг қувватидан тўла фойдаланиш, ҳар бир машина билан имкони борича кўпроқ пахта терилишини таъминлаш мақсадида механик-ҳайдовчилар ўртасида, шунингдек машина билан пахта териш планини ошириб бажариш юзасидан бўлим ва бригадалар ўртасида социалистик мусобақани кенг йўлга қўйди. Механик-ҳайдовчиларга юқори унум билан ишлаш учун қулай шароит яратиб бериш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни тобора яхшилаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилди. Шу туфайли ҳозиргача машиналар билан пландаги 3 минг тонна ўрнига 4500 тоннадан ортиқ пахта терилди. Бу, барча тайёрланган пахтанинг қарийб ярмини ташкил этади.

Коммунистлар машина теримини ташкил этиш ва шахсан машина билан пахта теришда бошқаларга намуна кўрсатдилар. Ўртоқ Я. Югай бошлиқ 1-бўлимда ҳар гектар ердан 26 центнердан ортиқ ҳосил йиғиб олинди ва план ошириб бажарилди. Ҳосилнинг кўп қисми машина билан териб олинди. Ўртоқ Маҳмуд Динаев бошлиқ 2- бўлимда машина билан пландаги 1100 тонна ўрнига 1300 тоннага яқин пахта терилди. Шунингдек, Содиқ Тошмирзаев, Раҳмон Бегимов, Одилжон Қодиров, Мустафо Чачи ва бошқа ўртоқлар бошлиқ бўлим ҳамда бригадаларда ҳам машина терими муваффақиятли ўтказилди. Коммунист механик-ҳайдовчилардан Абдувоҳид Муродов, комсомол аъзоси Александр Соболев, Куртемир Асаба, Фекрет Мазин ва бошқа ўртоқлар ҳозиргача 60-70 тоннадан пахта тердилар.

А. ЛАНГОВОЙ,
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози партия бюросининг секретари.

Қуйи Чирчиқ районининг илғор пахтакорлари

Ўртоқ Х. ХУДОЙНАЗАРОВ.
Хамрали «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг моҳир механизаторларидан. У СХМ — 48М маркали машина билан шу кунгача 55 тонна пахта терди.

Ўртоқ Х. ЖУМАЕВ.
Совхознинг бу илғор механизатори ҳозиргача хирмонга 50 тоннадан ортиқроқ пахта тўкди.

О. Косирев фотолари.

Яна 360 тонна

Бўлимимизнинг ишчилари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтиришга катта эътибор бердилар. Шу мақсадда 720 гектар ердаги ғўза икки томонлама парвариш қилинди.

Пахта йиғим-теримига уюшқоқлик билан киришган ишчиларимиз ва механизаторларимиз совхозда биринчи бўлиб планни бажардилар. Ҳосилнинг асосий қисми машина билан териб олинди.

Биз йил бошида ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил олиб, давлатга 1800 тонна пахта топширишни назарда тутган эдик. Лекин даламизда мўл-жалланганидан кўп ҳосил етишди. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 26 центнердан ортиқ пахта йиғиб олинди ва план 110 процент бажарилди. Айни пайтда биз ўз имкониятларимизни ҳисобга олиб, Октябрь революциясининг 42 йиллик байрами ҳамда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, давлатга яна 360 тонна пахта топширишга қарор қилдик. Шу кунларда бўлим ишчилари ва механизаторлари ўз зиммаларига олган мана шу мажбуриятни сўзсиз бажариш учун курашмоқдалар.

Я. ЮГАЙ,
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози 1-бўлимининг бошлиғи.

Гектар бошига 60 центнердан

ПИСКЕНТ. Тельман номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ҳакимполвон Қодиров бошлиқ бригадаси аъзолари 100 гектар пахта майдонидан 71 центнердан ҳосил кўтаришга қарор қилган эдилар. Далаларда олинган мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Йиғим-теримнинг эўр уюшқоқлик билан ўтказилиши туфайли шу кунга қадар бригадада ҳар гектар ер ҳисобига 60 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Ҳали пахта далаларида «оқ олтин» мўл. Пахтакорлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 42 йиллиги кунигача ҳар гектар ердан яна 11 центнердан ҳосил йиғиб давлатга топшириш учун астойдил курашмоқдалар. Терим суръати ҳамон пасайгани йўқ.

Бригадада мўл ҳосил етишганининг асосий сабабларидан бири ўтган йили ерларни кузда шудгор қилишга катта аҳамият берилганлигидадир. Шу сабабли кузги шудгорга бу йил ҳам барвақт киришилди. Ҳосили машинада йиғиб олинган 40 гектар ер шудгорлаб қўйилди. Бригада аъзолари партиямизнинг навбатдаги Пленуми очиладиган кунгача 100 гектар пахта майдонининг ҳаммасини тўла шудгорлаб қўйишга қарор қилдилар.

М. САМАДОВ.

30 ОКТЯБРГАЧА — ҚАНЧА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ

РАЙОНЛАР БЎЙИЧА
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш		Мавсум бошидан бери	
	Ҳаммаси	Машина билан	Ҳаммаси	Машина билан
Қуйи Чирчиқ	1,11	—	100,11	155,43
Пискент	2,39	0,92	99,19	116,67
Гулистон	1,10	0,08	95,95	75,86
Сирдарё	0,85	0,71	90.20	88,37
Боёвут	0,99	0,93	89,88	73,00
Юқори Чирчиқ	1,30	—	89.26	100,33
Бўка	1,02	2,14	88,62	90,20
Оққўрғон	1,07	—	86,69	98,30
Оржоникидзе	1,31	0,50	84,95	94,00
Бекобод	0,96	0,67	83,99	53,65
Чиноз	1,17	2,00	83,25	124,64
Янгийўл	1,34	0,48	81,19	98,92
Ўрта Чирчиқ	1,00	1,94	81,02	94,08
Жами	1,12	0,86	87,95	91,10
СОВХОЗЛАР БЎЙИЧА				
Бушуев номли	1,57	—	144,14	205,00
«Бўка»	1,00	0,67	137,28	175,00
4- «Вревский»	0,84	—	126,67	—
«Малик»	1,00	1,47	109,21	111,70
«Мирзачўл»	0,65	0,20	105,92	92,60
«Гулистон»	1,04	2,00	104,17	200,75
«Социализм»	0,83	0,50	100,23	85,50
«ЎзССР беш йиллиги»	1,16	—	97,14	150,26
«Чаноқ»	0,61	—	94.47	12,43
«Оққўрғон»	1,13	—	94,02	103,10
«Пискент»	2,80	0,57	91,55	101,71
1- «Боёвут»	1,09	2,22	88,11	87,11
3- «Боёвут»	1,23	0,82	82.85	83,00
4- «Боёвут»	0,70	—	81,86	54,87
1- «Далварзин»	1,13	—	80,95	47,67
Киров номли	1,11	0,08	78,81	128,23
2- «Далварзин»	0,96	—	77,04	53,58
«Дружба»	0,95	—	73,60	86,33
«Фарҳод»	1,28	—	72.60	23,83
Жами	1,18	0,61	90,18	95;79

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 42 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

СОВЕТ ДАВЛАТИ — УЛУҒ ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИНИНГ ИФОДАСИ

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига — коммунизм қурилишини кенг авж олдириб юборишдаврига кирган ҳозирги даврда, Совет социалистик давлатининг ижодий роли яна ҳам ошади. Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошириш, партиямиз шонли XXI съезди томонидан қабул қилинган ва ҳозирги вақтда муваффақият билан амалга оширилаётган етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш коммунизм қуришнинг қудратли қуроли бўлган Совет давлатининг куч-қудратини янада оширишни талаб қилади. Турмуш, тажриба, мамлакатимиз тараққиётининг 42 йиллик тарихи шуни кўрсатдики, Совет давлати нақадар мустаҳкам, нақадар қудратли бўлса коммунизм томон ривожланишимиз шу қадар тез ва шахдам бўлади.

В. И. Ленин ишчилар синфи диктатураси ҳақидаги марксизм таълимотини ана ҳам ривожлантирди, уни амалда татбиқ этди ҳамда ана шу диктатуранинг коммунизм қуриш давридаги ролини ҳар тарафлама ишлаб чиқди ва асослади. Ленин, ишчилар синфи диктатураси ўз давларига, ўз иш формаларига эга деб кўрсатди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейинги мамлакатимиз тараққиётининг дастлабки даврларида ишчилар синфи диктатурасининг эўрлик томони алоҳида кўзга ташланиб турарди. Чунки бу даврда Октябрь революцияси томонидан ағдариб ташланган эксплуататор синфлар бутун кучлари билан [illegible] курашдининг тинч қурилиш даврига кирган бир шароитда ишчилар синфи диктатураси ва унинг давлат формаси бўлган Совет давлатининг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбия соҳасидаги вазифалари асосий ўринга кўтарилди.

Коммунизм қурилиши кенг авж олдириб юборилган ҳозирги вақтда Совет давлати буюк ижодий куч сифатида мамлакатимизда жуда катта хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбия ишларини олиб бормоқда, етти йиллик план топширишларини амалга ошириш учун курашга кенг меҳнаткашлар оммасини сафарбар этмоқда.

В. И. Ленин мамлакатимизда социализм ва коммунизм қуриш процессида Совет давлатининг ижодий ролини алоҳида кўрсатди. У, марксизмнинг давлат ҳақидаги таълимотини яна ҳам ривожлантирди, Совет давлатининг барҳам топиши ҳақидаги масалани ҳар тарафлама чуқур ўрганди, коммунистик жамиятнинг юқори босқичида давлат, албатта барҳам топади, деб кўрсатди. Давлатнинг «... барҳам топиш процесси, — дейди В. И. Ленин, — узоқ давом этадиган процесс эканлигини, бу процесс коммунизмнинг юқори фазасининг тез ёки секин боришига боғлиқ эканлигини» алоҳида таъкидлаб, унинг «барҳам топишининг муддати ёки конкрет формалари масаласини бутунлай очиқ» қолдирган эди.

Шу билан бирга, Ленин, мамлакатимизда социалистик қурилишнинг дастлабки тажрибаларини, [illegible] ишчилар синфи [illegible] курашдиларини умумлаштириб, Совет давлати ҳақидаги таълимотни ижодий тарзда ривожлантирди, коммунистик жамиятнинг биринчи қуйи фазасида Совет давлатини, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш зарур эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатди.

Партиямизнинг шонли XXI съезди Ленининг Совет давлати ҳақидаги, уни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги таълимотини янги тарихий шароитлар нуқтаи назаридан янада ривожлантирди. КПСС XXI съезднинг тарихий қарорлари — Совет давлатини мустаҳкамлаш ҳақидаги ленинча ғояларнинг ёрқин ифодасидир.

Совет давлатининг ривожланиши ва мустаҳкамланишидаги асосий йўл — демократияни ҳар тарафлама кенгайтириб боришдан, меҳнаткашларни давлатни идора этиш ишларига кенг жалб этишдан, ишчилар, колхозчи деҳқонлар ва барча меҳнаткашларни мамлакатимиз хўжалик ва маданий қурилишига кенг ва актив жалб этишдан иборат.

Партиямиз XXI съезди қарорларида кўрсатиб ўтилганидек, давлат органларининг ҳозирги бажараётган айрим функциялари аста-секин жамоат ташкилотлари ихтиёрига ўтаборади. Масалан, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, физкультура ва спорт ишлари ҳамда бошқа шу каби ишлар жамоат ташкилотларининг ихтиёрига берилиши мақсадга мувофиқ бўлиб қолади.

Шу муносабат билан ишчилар синфи диктатураси ва бу диктатура системасидаги асосий ҳаракатга келтирувчи тасмалар бўлган Советлар, [illegible] комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг роли бениҳоя ошади. Бу эса, Совет давлатининг яна ҳам демократлашишини, меҳнаткашларнинг давлат ишларига, ижтимоий-сиёсий ҳаётга тобора кўпроқ жалб этилишларини таъминлайди.

Кейинги вақтларда Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети Советларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ролини ошириш, ҳуқуқларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масаласида катта ишлар қилди. Иттифоқчи Республикалар Олий Советлари, маҳаллий Советларнинг ишларини яхшилаш, уларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, совет демократиясини янада кенгайтириш мақсадида кейинги сайловлар вақтида депутатларнинг сони анча оширилди. Маҳаллий Советларга кейинги ўтказилган сайловлар вақтида депутатлар сони тахминан 350 минг кишига кўпайтирилди. Фақат Ўзбекистон ССР маҳаллий Советларига 58.826 депутат сайланди.

Ўз сафларида 50 миллиондан кўпроқ ишчи ва хизматчини бирлаштирган совет касаба союзлари мамлакатимиз ижтимоий ва сиёсий ҳаётида, давлатни бошқариш ишларида тобора кўпроқ қатнашмоқдалар. Касаба союзлари ҳозирги вақтда ўзларининг «... тарбия берадиган, жалб қиладиган, таълим берадиган ташкилотдир, у мактаб, идора қилиш мактаби, хўжаликни бошқариш мактаби, коммунизм мактабидир» деган Ленининг кўрсатмаларини тўлатўкис оқламоқдалар.

Ленин комсомоли коммунизм қурилиши учун курашда партиямизнинг энг яқин ёрдамчисидир. ВЛКСМ ўз атрофига 18 миллиондан ортиқ йигит ва қизни бирлаштиргандир. Комсомол ёшларни коммунизм руҳида, пролетар интернационализми ва халқлар дўстлиги руҳида, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳ[illegible] Колхозлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий формасидир. Колхозлар деҳқонлар оммасини социализм қурилиши йўлига олиб чиқишда ва ҳозирги вақтда социализмдан коммунизмга ўтиш процессида колхозчи деҳқонлар оммасини коммунистик қурилиш ишларига жалб этишда жуда катта ташкилотчилик ишлари олиб бормоқдалар. Партия ва ҳукуматимизнинг кейинги вақтларда колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш, колхоз демократиясини янада кенгайтириш, МТСларни қайта ташкил этиш юзасидан кўрган тадбирлари колхозларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шунинг билан бирга, жамоат тартибини сақлаш, социалистик жамиятимизда яшаш қоидаларини таъминлаш масалалари милиция, суд, прокуратура органлари билан бирга, аста-секин жамоат ташкилотлари ихтиёрига ўтиб бориши Совет давлатини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда КПСС XXI съезди қарорлари асосида жойларда меҳнаткашлар ташаббуси билан тузилаётган халқ милициясининг кўнгилли отрядлари, ўртоқлик судлари муваффақиятли равишда иш олиб бормоқдалар.

Бу шуни кўрсатадики, илгари давлат органлари бажарадиган функцияларни жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик ёрдамида ҳам муваффақият билан бажариш мумкин. Жамоатчилик таъсири тобора ўсмоқда, гражданлар ҳар турли кўнгилли органларга бирлашиб, ўзлари яшайдиган аҳоли пунктларида, завод ва фабрикаларда, РТСларда, колхоз ва совхозларда жамоат тартибини сақлаш, гражданларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлашда катта жамоат вазифасини бажармоқдалар.

Давлат органларининг айрим функцияларининг жамоат ташкилотларига ўта бориши Совет давлатининг мамлакатимизда коммунистик [illegible] чилик ва ижодий ролини озгина бўлса ҳам сусайтирмайди, балки уни яна ҳам демократлаштиради, омма билан алоқасини мустаҳкамлайди, куч-қудратини оширади. Совет давлати халққа қанча яқин бўлса, шунчалик қудратли бўлади.

Марксизм-ленинизм душманлари — ўнг социалистлар, ревизионистлар, реформистлар ва турли маслакдаги буржуазия идеологлари бизнинг ишимиз учун жуда зарарли бўлган назарияни илгари сурадилар. Улар ҳозирги вақтда ташқаридан ҳужум қилиш хавфи ҳукм суриб турган бир шароитда Совет давлатини заифлантириш ва унинг барҳам топиб бориши ҳақида зўр бериб жар соладилар. Югославия ревизионистлари Совет давлатига, уни мустаҳкамлашга катта эътибор бераётганлигимиз учун Коммунистик партиямизни айбламоқдалар. Уларнинг фикрича, бундай тадбир давлатнинг барҳам топиши ҳақидаги марксча-ленинча таълимотга хилоф эмиш.

КПСС XXI съезди кўрсатиб ўтганидек, социалистик давлатнинг тинчликни сақлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги, империалистик давлатлар томонидан бўладиган ҳарбий ҳужум хавфидан мамлакатимизни мудофаа қилиш соҳасидаги вазифалари ҳозирги кунда муҳим аҳамиятга эгадир.

Совет давлатини мустаҳкамлаш — унинг ривожланиш қонунидир. Бизнинг олга, коммунистик жамият томон, давлат батамом барҳам топадиган ана шу олий босқич томон қиладиган ҳаракатимиз Совет давлатини бундан буён мустаҳкамлаш, демократияни кенгайтириш йўли билан боради. Бунинг учун давлатимизнинг иқтисодий қудратини тинмай мустаҳкамлаш, асосий иқтисодий вазифа — аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини муваффақиятли бажармоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг кейинги вақтларда бажарилган ишлари, [illegible] ва ҳозирги вақтда муваффақиятли бажарилаётган ишлар, Совет давлатининг ҳозирги вақтда амалга оширилаётган етти йиллик план Совет давлати куч-қудратини янада мустаҳкамлашда, СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини ҳал этишда олга қараб қўйилган жуда катта қадам бўлади.

Совет Иттифоқи — кўп миллатли социалистик давлатдир. ССР Иттифоқига бирлашган миллий республикалар буюк қардошлик ва дўстлик оиласини ташкил этади. Совет Иттифоқи ягона ирода билан, коммунистик қурилиш йўлидан олга боришга интилиш билан бирлашган тенг ҳуқуқли халқлар дўстлигига асосланган кўп миллатли социалистик давлатдир. «Бизнинг планларимизда, — дейди ўртоқ Хрушчев, — барча халқларнинг экономикаси ва маданиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб беришни таъминлайдиган ленинча миллий сиёсат ёрқин ифода этилган».

Коммунистик партиянинг раҳбарлиги ва доимий ғамхўрлиги натижасида тобора мустаҳкамланиб бораётган, Улуғ Октябрь ғояларининг ифодаси бўлган Совет давлати дунёда энг илғор тузум намунасини кўрсатиб турибди. Совет давлатига ижтимоий ташкилотнинг олий формаси, халқнинг илғор отряди, синалган авангарди доно Коммунистик партия раҳбарлик қилмоқда.

Совет халқи бу йил улуғ Октябрнинг шонли 42 йиллигини эўр тантана билан нишонлайди. Коммунистик партия томонидан тобора мустаҳкамланиб бораётган Совет давлати партиямиз шонли XXI съезди қарорларини амалга оширишда ўзининг буюк ижодий ва ташкилотчилик ролини муваффақият билан амалга оширади, мамлакатимизда коммунизм қурилишини [illegible] минлайди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

Х. М. Абдуллаев нутқи

(ЎЗБЕКИСТОН ССР, САМАРҚАНД ШАҲАР САЙЛОВ ОКРУГИ)

Депутат ўртоқлар! Коммунистик партиянинг тарихий XXI съезди қарорларидан илҳомланган совет кишилари СССРнинг аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш ҳамда тинч иқтисодий мусобақада ютиб чиқишдан иборат асосий иқтисодий вазифасини ҳал этиш йўлида шаҳдам қадам ташлаб, олга бормоқдалар.

Саноат, фан, техника ва маданиятни ривожлантиришда эришилган ажойиб ютуқлар мамлакатимизни жаҳонда олдинги ўринга чиқарди ва инсоннинг космосни эгаллашида янги давр очишга имкон берди. Ана шу ажойиб ютуқлар ҳақида ўртоқ Косигиннинг докладида ва сўзга чиққан депутатларнинг нутқларида айтиб ўтилди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг совет фанини ривожлантириш ҳақида тинмай қилаётган ғамхўрликлари шунга олиб келдики, унинг буюк ютуқлари икки йилдан бери бутун дунёни ҳайратда қолдирмоқда ва қойил қилмоқда. Совет фанининг бу ютуқлари бутун тараққийпарвар инсониятнинг ақл ва қалбини мафтун этмоқда. Совет Иттифоқи фан ва техникасининг устунлиги — уларнинг социалистик система шароитида ривожланишининг қонуний натижасидир. Бу ҳол ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Нью-Йоркдаги иқтисодий клубда сўзлаган нутқида ёркин ва образли қилиб ифода этилди. Ўртоқ Хрушчев ўз нутқида бундай деди: «Социалистик революция тез ўсиб бораётган кучимизнинг манбаидир. Социалистик революция мамлакатимиз ривожланишининг шундай изларига ўтишини таъминладики, бу изларда совет экономикасининг локомотиви тобора жадаллашаётган теслик билан бормоқда».

Улуғ Ленин фанни ривожлантириш масалаларига ғоят катта эътибор берганлигини биз биламиз. Олимлар ҳақида, уларнинг ижодий фаолияти учун энг қулай шароит яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборат ленинча буюк традиция кейинги йилларда порлоқ суратда ва янада ривожланди.

Совет фани социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида ғоят катта роль ўйнади, аммо ҳозирги вақтда, коммунизм қурилишини кенг авж олдириш даврида унинг аҳамияти беҳад ўсди. Ушбу сессия бунинг ёркин далилидир: Ўртоқ Косигиннинг докладида ва деярлик ҳамма депутатларнинг нутқларида совет фанига, уни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, унинг муваффақиятлари ҳаммани қувонтирмоқда.

Совет фани ҳозирги вақтда халқ хўжалиги барча тармоқларининг ютуқларига ҳаракатдаги кенг таянмоқда. Халқ хўжалигининг тобора ва тез ривожланаётганлиги илмий ходимлар олдига масъулиятли вазифалар қўймоқда. Фаровонликни тобора юксалтириш ва Совет Иттифоқи халқларининг ғина эмас, балки бутун инсониятнинг тараққиётини жадаллаштириш ишига хизмат қилаётган Ватан фани олдида турган улуғвор ва олижаноб мақсадлар совет олимларини илҳомлантирмоқда. Ҳозирги замон фанининг энг янги ютуқларидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида совет олимларининг энг кўп муваффақиятларга эришганликлари қонуний бир ҳолдир. Бизнинг мамлакатимизда фан йирик илмий марказлар доирасидан чиқиб, илмий муассасалар ва ташкилотлар тармоқларини бутун бепоён мамлакатимизга кенг ёйганлигини билиш жуда қувончлидир. Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ёрдами билан кейинги йилларда ,жумладан, илмий муассасалар тармоқларини планли равишда ва изчиллик билан кенгайтириш ҳамда Сибирда, Қозоғистонда ва мамлакатнинг Шарқий районларида кучли илмий базалар ташкил қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Шарқдаги қардош иттифоқчи республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам фан тез ривожланмоқда. Ҳатто Советлар мамлакатига адоват билан қараётганликларини яширмайдиган ошкора душманларимиз ҳам совет фанининг шубҳасиз муваффақиятлари, чунончи Ўзбекистондаги муваффақиятлари ҳақида индамай қололмайдилар. Вашингтон университетида рус маданияти ва адабиёти курсининг профессори, «Осиё бўйича мутахассис» деб аталган Спектор Айвор бу йил советларга қарши китоб чиқарди. Шунга қарамай, у ўзбек халқи фани ва маданиятининг буюк муваффақиятлари олдида «Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам СССРнинг йирик илмий маркази бўлиб қолган ва осиёлик туристлар учун виставка бўлиб хизмат қилмоқда» деб эътироф этишга мажбур бўлди.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг тараққиёт йўлидаги курашда эришган муваффақиятлари республикани Осиё халқлари учун, ва Осиёгина эмас, бошқа халқлар учун ҳам намуна қилиб қўйди. Кейинги уч йил ичидагина республика Фанлар академиясида ишлаётган ходимларнинг сони 2,5 баравар кўпайди, академиянинг илмий муассасалари бўйича капитал қурилишга ажратилган маблағлар 1959 йилда 1957 йилдагига нисбатан 2 баравар ортди.

Ўзбекистон составига кирган Қорақалпоғистон автоном республикасида партиямизнинг оғишмай амалга оширилаётган ленинча миллий сиёсатига тамомила мувофиқ равишда, республика Фанлар академиясининг филиали ташкил этилди, унда қорақалпоқ халқи маданиятини илмий асосда чуқур ўрганиш тадбирлари кенг ишлаб чиқилмоқда, республиканинг табиий бойликларидан энг яхши фойдаланиш йўллари қидириб топилмоқда.

Республика Фанлар академияси ҳузуридаги Ядро физикаси институтининг Совет Шарқида биринчи ядро реактори бўлган биринчи навбати ишга туширилганлиги Ўзбекистонда фаннинг тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилди.

Республика Фанлар академиясининг олимлари СССР Фанлар академиясининг катта ёрдами билан кейинги йилларда уникал приборларни—электрон-ҳисоб машинаси, юқори вольтли эксперименталь трансформатор, электрон аппаратлар, оптика ва электротехника приборлари ва бошқа замонавий илмий машина-ускуналарни ўзлаштирдилар. Ядро реакторининг ва уникал ускуналарнинг ўзлаштирилиши эндиликда олимларимизга бир қанча энг муҳим илмий ва амалий проблемаларни ишлаб чиқиш вақтида энг янги замонавий тадқиқот методларини қўлланишга имкон беради.

Ўзбекистон олимларининг самарали фаолияти учун кенг имкониятлар яратилганлиги ўз натижаларини бермоқда. Республиканинг ғарбий қисмида очилган йирик нефть-газ провинцияси ва уникал табиий газ манбалари ишлаб чиқариш ходимлари билан маҳкам ҳамкорлик қилиб иш олиб бораётган олимларнинг дадил илмий прогнозлари натижасидир. Бу ҳол Ўзбекистоннинг ва бошқа қардош республикаларнинг ёқилғи энергетика базасига жуда катта таъсир кўрсатиш биданги қолмай, шу билан бирга республика халқ хўжалигининг ва экономикасининг бутун структурасига ҳам таъсир кўрсатади.

Жуда бой табиий газ запаслари базасида минерал ўғит, синтетик материаллар ва буюмлар ишлаб чиқарадиган янги кучли кимё комбинатлари вужудга келади, йирик ёқилғи электростанциялари қурилади. Ҳозирги вақтда республиканинг илмий коллективлари СССР Фанлар академиясининг ёрдами билан табиий газ асосида ишлайдиган бўлажак корхоналар учун янги технологик схемаларни ишлаб чиқмоқдалар. Шу мақсадда республика Академиясида Геология ҳамда нефть ва газ конларини очиш институти ва Кимё полимерлари институти ташкил этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Олий Советга шуни маълум қилиш билан бахтиёрманки, геологлар, ишлаб чиқариш ходимлари ва олимлардан иборат катта коллективнинг аҳил бўлиб ишлаши рангли ва нодир металларнинг бир қанча манбаларни топилишига олиб келди, бу эса Ўзбекистон республикасини бу металларнинг запаслари жиҳатидан Иттифоқда олдинги ўринлардан бирига чиқаради. КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан кейинги йилларда геология ташкилотларининг бирлаштирилиши ва йириклаштирилиши геология соҳасидаги бу катта ва муваффақиятли ишда муҳим роль ўйнади.

Пахта теримини механизациялаш пахтачиликни янада ривожлантиришнинг муҳим масаласидир. Теримни механизациялаш ишлари билан кейинги вақтларгача фақат конструкторлик бюролари шуғулланиб келган эди. Олимлар эса, пахтачилик республикалари учун ҳаққий равишда биринчи илмий проблема деб аталиши лозим бўлган бу муҳим проблемани ҳал этишда қатнашишдан маълум даражада четда турган эдилар.

Бу йил республика Фанлар академиясининг ва Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг илмий коллективлари Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг коллективи билан ҳамкорлик қилиб, бир қанча янги машиналарни яратдилар. Жуда қимматли хусусиятларга эга бўлган ва пахтани ҳозир ишлатилаётган машиналарга қараганда яхшироқ терадиган бу янги машиналарнинг вазни енгилроқ, тежамлироқ ва бошқа ҳалқлар учун ҳам намуна қилиб қўйди. Кейинги уч йил ичидагина республика Фанлар академиясида ишлаётган ходимларнинг сони 2,5 баравар кўпайди, академиянинг илмий муассасалари бўйича капитал қурилишга ажратилган маблағлар 1959 йилда 1957 йилдагига нисбатан 2 баравар ортди.

Ўзбекистон составига кирган Қорақалпоғистон автоном республикасида партиямизнинг оғишмай амалга оширилаётган ленинча миллий сиёсатига тамомила мувофиқ равишда, республика Фанлар академиясининг филиали ташкил этилди, унда қорақалпоқ халқи маданиятини илмий асосда чуқур ўрганиш тадбирлари кенг ишлаб чиқилмоқда, республиканинг табиий бойликларидан энг яхши фойдаланиш йўллари қидириб топилмоқда.

Республика Фанлар академияси ҳузуридаги Ядро физикаси институтининг Совет Шарқида биринчи ядро реактори бўлган биринчи навбати ишга туширилганлиги Ўзбекистонда фаннинг тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилди.

Республика Фанлар академиясининг олимлари СССР Фанлар академиясининг катта ёрдами билан кейинги йилларда уникал приборларни—электрон-ҳисоб машинаси, юқори вольтли эксперименталь трансформатор, электрон аппаратлар, оптика ва электротехника приборлари ва бошқа замонавий илмий машина-ускуналарни ўзлаштирдилар. Ядро реакторининг ва уникал ускуналарнинг ўзлаштирилиши эндиликда олимларимизга бир қанча энг муҳим илмий ва амалий проблемаларни ишлаб чиқиш вақтида энг янги замонавий тадқиқот методларини қўлланишга имкон беради.

Ўзбекистон олимларининг самарали фаолияти учун кенг имкониятлар яратилганлиги ўз натижаларини бермоқда. Республиканинг ғарбий қисмида очилган йирик нефть-газ провинцияси ва уникал табиий газ манбалари ишлаб чиқариш ходимлари билан маҳкам ҳамкорлик қилиб иш олиб бораётган олимларнинг дадил илмий прогнозлари натижасидир. Бу ҳол Ўзбекистоннинг ва бошқа қардош республикаларнинг ёқилғи энергетика базасига жуда катта таъсир кўрсатиш биданги қолмай, шу билан бирга республика халқ хўжалигининг ва экономикасининг бутун структурасига ҳам таъсир кўрсатади.

Жуда бой табиий газ запаслари базасида минерал ўғит, синтетик материаллар ва буюмлар ишлаб чиқарадиган янги кучли кимё комбинатлари вужудга келади, йирик ёқилғи электростанциялари қурилади. Ҳозирги вақтда республиканинг илмий коллективлари СССР Фанлар академиясининг ёрдами билан табиий газ асосида ишлайдиган бўлажак корхоналар учун янги технологик схемаларни ишлаб чиқмоқдалар. Шу мақсадда республика Академиясида Геология ҳамда нефть ва газ конларини очиш институти ва Кимё полимерлари институти ташкил этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Олий Советга шуни маълум қилиш билан бахтиёрманки, геологлар, ишлаб чиқариш ходимлари ва олимлардан иборат катта коллективнинг аҳил бўлиб ишлаши рангли ва нодир металларнинг бир қанча манбаларни топилишига олиб келди, бу эса Ўзбекистон республикасини бу металларнинг запаслари жиҳатидан Иттифоқда олдинги ўринлардан бирига чиқаради. КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан кейинги йилларда геология ташкилотларининг бирлаштирилиши ва йириклаштирилиши геология соҳасидаги бу катта ва муваффақиятли ишда муҳим роль ўйнади.

Пахта теримини механизациялаш пахтачиликни янада ривожлантиришнинг муҳим масаласидир. Теримни механизациялаш ишлари билан кейинги вақтларгача фақат конструкторлик бюролари шуғулланиб келган эди. Олимлар эса, пахтачилик республикалари учун ҳаққий равишда биринчи илмий проблема деб аталиши лозим бўлган бу муҳим проблемани ҳал этишда қатнашишдан маълум даражада четда турган эдилар.

Бу йил республика Фанлар академиясининг ва Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг илмий коллективлари Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг коллективи билан ҳамкорлик қилиб, бир қанча янги машиналарни яратдилар. Жуда қимматли хусусиятларга эга бўлган ва пахтани ҳозир ишлатилаётган машиналарга қараганда яхшироқ терадиган бу янги машиналарнинг вазни енгилроқ, тежамлироқ ва бошқа ҳалқлар учун ҳам намуна қилиб қўйди. Кейинги уч йил ичидагина республика Фанлар академиясида ишлаётган ходимларнинг сони 2,5 баравар кўпайди, академиянинг илмий муассасалари бўйича капитал қурилишга ажратилган маблағлар 1959 йилда 1957 йилдагига нисбатан 2 баравар ортди.

Ўзбекистон составига кирган Қорақалпоғистон автоном республикасида партиямизнинг оғишмай амалга оширилаётган ленинча миллий сиёсатига тамомила мувофиқ равишда, республика Фанлар академиясининг филиали ташкил этилди, унда қорақалпоқ халқи маданиятини илмий асосда чуқур ўрганиш тадбирлари кенг ишлаб чиқилмоқда, республиканинг табиий бойликларидан энг яхши фойдаланиш йўллари қидириб топилмоқда.

Республика Фанлар академияси ҳузуридаги Ядро физикаси институтининг Совет Шарқида биринчи ядро реактори бўлган биринчи навбати ишга туширилганлиги Ўзбекистонда фаннинг тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилди.

Республика Фанлар академиясининг олим